

## **Солиқ маъмурчилигининг самарасини ошириш орқали тадбиркорларга тенг рақобат шароитларини яратиш**

Давлат солиқ қўмитаси томонидан “Солиқ маъмурчилигининг самарасини ошириш орқали тадбиркорларга тенг рақобат шароитларини яратиш” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Давлат солиқ қўмитаси Раиси Шерзод Кудбиев, Давлат солиқ қўмитаси Жамоатчилик маслаҳат кенгаши аъзолари, солиқ маслаҳатчилари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда, тадбиркорликни ривожлантириш борасида бошланган ислохотлар натижасида, ҚҚС тўловчилари сони 2016 йилга нисбатан 20 бараварга ўсди ёки 138 мингтани ташкил этмоқда (2016-йилда – 6,6 мингта), худди шундай фойда солиғи тўловчилари сони ҳам 18 бараварга ўсди. Ўзини-ўзи банд қилган шахслар 1 млн нафардан ошди.

Охириги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон солиқ соҳасида ижобий ўзгаришларга эришаётган давлатлар рўйхатида ТОП-20 таликка кирди. Лекин, солиқ ма’мурчилиги бўйича мукамал тизим яратилмас экан, “хуфиёна иқтисодиёт”га қарши курашиш масаласи долзарблигича қолади. Бунинг энг тўғри ва ягона ечими – солиқ маъмурчилигининг барча йўналишларга автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этишдир.

Давлат солиқ хизмати органлари тизимида бу борада салмоқли қадамлар ташланмоқда. Давлат солиқ қўмитаси ма’лумотларни қайта ишлаш марказининг қуввати ўтган йилга нисбатан 8, ахборотни қайта ишлаш тезлиги эса 29 бараварга оширилди. Ҳозирда солиқ тўловчиларнинг 95 фоизи солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ихтиёрий бажармоқда. (Бунгача 80 фоиз атрофида бўлган). Бу рақамлаштириш йўналишида амалга оширилган ислохотларнинг дастлабки натижасидир.

**Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 22-сентябрда қабул қилинган 595-сон қарори солиқ ма’мурчилигининг янги босқичини бошлаб берадиган концептуал ҳужжат бўлди.**

**Унда учта асосий янгилик мавжуд:**

**1. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтказишни солиқ хавфини баҳолаш асосида амалга ошириш.**

Янги тартибга кўра, жорий йилнинг 22 декабридан бошлаб қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказишда солиқ тўловчиларнинг солиқ хавфи даражаси ўрганилади. Махсус рўйхатдан ўтказиш бўйича аризалар 7 кун ичида кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқишнинг биринчи босқичида солиқ тўловчиларнинг солиқ хавфи автоматлаштирилган тизим орқали ўрганилади ва натижаларга кўра улар солиқ хавфининг **юқори, ўрта** ёки **паст** даражалари бўйича тоифаларга ажратилади.

**2. Тадбиркорларнинг активларни ҳисобга олишнинг янги механизми – “E-aktiv” автоматлаштирилган ахборот тизими.**

Ушбу ахборот тизими солиқ органларига асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурсларни ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш, уларнинг ҳаракатини масофадан ҳисобга олиш, ҳар бир омбор кесимида қирим-чиқим қилинган ёки қолдиқ товарлар рўйхатини шакллантириш имконини беради.

ҚҚС тўловчилар ва устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган юридик шахслар 2022 йил 1 январдан **“E-aktiv”** ахборот тизимидан фойдаланиши мажбурий ҳисобланади.

### **3. Ижара муносабатларининг янги тизими – E-ijara**

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижара шартномаларини солиқ органларида ҳисобга қўйиш учун “Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш” – **“E-ijara”** электрон хизмати яратилиб, “ижара.солиқ.уз” интернет манзилида синовдан ўтказилмоқда.

Кўчмас мулк ижара шартномалари мажбурий равишда солиқ органларида электрон шаклда ҳисобга қўйиш амалиёти 2022 йил 1 январдан жорий этилади.

Бундан ташқари, матбуот анжумани давомида Электрон ҳисобварақ-фактура (ЕХФ) ҳамда Маҳсулот ва хизматларнинг идентификатсион коди (МХИК) тизимида амалга оширилаётган янгиликлар, хусусан, тизимдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида киритилаётган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар берилди.

Шунингдек, жорий этилиши режалаштирилаётган “E-imiyoiz”, “Автотаққослаш” (Автосличение), Занжир тўлиқлигини мониторинг қилиш бўйича қўшилган қиймат солиғини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими дастурий маҳсуллари тақдимотлари ўтказилди.

Солиқ маслаҳатчилари ва жамоатчилик кенгаши а’золари соҳани рақамлаштириш борасида олиб борилаётган ишларни юқори баҳолаб, янги дастурий маҳсуллар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам фаол иштирок этди. Улар нафақат ўзларини қизиқтирган саволларга, балки фаолияти доирасида солиқ тўловчилар томонидан йўлланган мурожаатларга ҳам мутахассислардан батафсил жавоб олди.

## Фотогалерея











